



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2004 йил 9 сентябрь № 191 (3466)

Пайшанба

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ж.РАУПОВ).

"Bumi International Tashkent" меҳмонхонасида мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлари, тадбиркорлик тузилмалари вакиллари ҳамда Россия Федерацияси Урал минтақаси Савдо-саноат палатаси делегацияси аъзолари ўртасида мулоқот биржаси бўлиб ўтди. Учрашувни Ўзбекистон Тovar ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этди.

Делегация таркибида Россиянинг Урал минта-

қасидаги ўн тўққизта етакчи корхона раҳбарлари ва вакиллари бор. Булар нефть-газ, кимё, мулоффа, металлургия саноати, энергетика, машинасозлик, қайта ишлаш ва тайёрлов, тиббиёт, геодезия, электромеханика тармоғи, асбобсозлик корхоналаридир.

Бу галги учрашув иккинчиси бўлди. Биринчи учрашув 2001 йил сентябрда ўтказилган бўлиб, унда Урал ва Ўзбекистон тадбиркорлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзо-

ланган эди.

Алоқа биржасидан ташқари делегация аъзолари учун вазириликлар, идоралар, республикамизнинг йирик корхона ва компаниялари ходимлари билан учрашувлар ташкил этилди. Бундай амалий ташрифлар хорижий ҳамкорлар ва сармоядорлар билан алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг тарқатиш бозорларига чиқишига таъсир кўрсатади.



Решид ГАЛИЕВ олган сурат.

## Ягона технология асосида

Урачда «Феруз-Хоразм» акциядорлик жамияти, унинг негизда «Бизинтрод Хоразм» масбуляти чекланган жамияти ва «Осиё текстиль» қўшма корхонасининг ташкил этилиши туфайли ишлаб чиқариш технологияларининг узлуксизлиги таъминланди. Наतिжада шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида маълум корхоналарда жами 310 миллион сўмликдан зиёд тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Болалар куртаси, мах-

сус иш кийимлари, футболка ва майкалар, чойшаблар, трикотаж матолари ишлаб чиқариш жумласига кирди.

Тез орада бу ерда хорижий сармоя широктада трикотаж матоларини бундан ҳам очилади. У шунга тушса, яна 30 та иш ўрни яратилади.

СУРАТДА: тўқувчи Умида Шарипова.

Решид ГАЛИЕВ олган сурат.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига катта мамнуният билан самимий қутловларим ва эзгу тилакларимни изҳор қиламан.

Ҳиндистон яқин ва дўстона алоқаларнинг узок тарихига эга бўлган мамлакат сифатида Ўзбекистон билан муносабатларини қадрлайди. Ишончим комилки, алоқаларимиз бундан буён ҳам турли соҳаларда мустаҳкамланиб, кенгайиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Ўзбекистоннинг раванқ топиши ва тараққий этишини, шахсан Сизнинг соғ-саломат ва омон бўлишингизни тилаб билдирган энг эзгу истақларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилишингизни сўрайман.

МАНМОХАН СИНГХ,  
Ҳиндистон  
Бош вазири.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари,

Дўст мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Сизга шахсан ўз номимдан ва Ливия Араб Халқ Социалистик Буюк Жамоҳирияти халқи номидан самимий қутловлар ҳамда Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига эса бардавом тараққийёт ва раванқ тилаб билдирган энг эзгу истақларни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Полковник МУАММАР ҚАЗОФИЙ,  
Улуғ Ал-Фатҳ Инқилоби Раҳбари.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Арманистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик муносабатлари давлатларимиз ва халқларимизнинг фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришга қўмаклашади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, мухтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлиқ, самарали фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар, дўст Ўзбекистоннинг бутун халқига эса тинчлик ва омонлик тилайман.

Эҳтиром ила,  
РОБЕРТ КОЧАРЯН,  
Арманистон Республикаси  
Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Республикангизнинг энг асосий давлат байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва кўп миллатли бутун Ўзбекистон халқини сизидилдан муборакбод этаман.

13 йил муқаддам Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида тарихий декларация қабул қилиниши кенг миқёсда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш имконини берди. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингиз остида иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маданий салоҳиятини самарали тарзда ошириб, жаҳон ҳамжамиятига фаоллик билан кириб бормоқда. Фуқаролик жамияти асослари яратилди, динлараро тинчлик ҳамда миллатлараро тотувлик сакланди ва мустаҳкамланди, аҳоли фаровонлиги, ошиб бормоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси ўзбекистонликларнинг келажакда ишонч билан назар ташлашларига имкон беради.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида интеграция жараёнларини, Россия Федерацияси билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда Ўзбекистоннинг ўрни салмоқлидир.

Қардош бўлган республикаларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий алоқалар ҳам тобора мустаҳкамланмоқда.

Бошқирдистон Республикаси расмий делегациясининг Ўзбекистонга сафари арафасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳамкорлигимиз чуқурлашуви ишонч билдираман.

Азиз Ислом Абдуғаниевич, Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун халқига чин қалбимдан барқарорлик, фаровонлик ва раванқ тилайман!

Эҳтиром ила,  
МУРТАЗО РАҲИМОВ,  
Бошқирдистон Республикаси  
Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан Сизга, мамлакатингиз ҳукумати ва халқингизга самимий қутловлар ҳамда қизғин салом йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан буён янада яхшироқ ривожланиб, кенгайиб бораверишига ишончим комил. Мамлакатни раванқ топтириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўлидаги масъулятли фаолиятингизда Сизга каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

КИМ ЕН НАМ,  
Корея Халқ Демократик Республикаси  
Олий Халқ Мажлиси Раёсатининг Раиси.

(Давоми 2-бетда).

Хабарлар оқимидан

### Шўрчида спорт мажмуаси

«Кўклам» — Шўрчи туманидаги энг йирик маҳаллалардан. 32 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ушбу маҳаллада барча қўлайликларга эга спорт маркази очилди.

Марказ туман ҳокимилиги томонидан ажратилган 20 миллион сўмлик маблағ ҳисобига жиҳозланди. Спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган ушбу мажмуа шўрчилик ёшларнинг сеvimли масканига айланиши, шубҳасиз.

Ўз мухбири.

### «Муслим-Текс» иш бошлади

Наманган вилоятидаги қўшма корхоналар сафига яна биттага кўпайди. Ўзбек-хитой ҳамкорлиги меваси — «Муслим-Текс» ўз фаолиятини бошлади. Йилга 12 миллион дон полипропилен қоп ишлаб чиқариладиган ушбу корхонада юздан зиёд ёшлар иш бошлади. Корхонанинг иккинчи навбати ишга тушгач, калава ил ва трикотаж маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Қ. НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Янги мактаб биноси

Нукус шаҳридаги 7-ўрта мактаб ўқувчилари янги ўқув йилини барча қўлайликларга эга замонавий мактаб биносида қаршиладилар. Бино қурилишида хорижийнинг илгор тажрибаларидан фойдаланилди ва спорт мажмуаси қурилишида ҳам ушбу мезонларга амал қилинди.

Я. ҚўЧҚОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### «Шарқ неъматлари»

Бағдод туманида мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган «Шарқ неъматлари» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси иш бошлади. Корхона Исроилнинг машҳур «Эйнаб» компаниясининг замонавий технологиялари билан жиҳозланди. Йилга 10 минг тоннадан зиёд мева ва сабзавотни қайта ишлаш, қуришти, дунё андозалари асосида қадоклаш имкониятига эга бўлган ушбу корхонанинг ишга туширилиши дехқону соҳибқорига катта қўлайликлар яратяди.

Этиборли томони шундаки, ҳозирданок «Шарқ неъматлари»га хориждан бир қанча буюртмалар тушиди.

Набижон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Германияда «Дўстлик» жамияти

Ҳозирги кунда ГФРда тўрт мингга яқин фуқароларимиз иқтисодий турли тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда меҳнат қилмоқдалар. Мустақиллик байрами кунларида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида Германияда доимий истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда улар мустақиллик йилларида юртимизда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ислохотлар билан яқиндан танишдилар.

Учрашувда юртдошларимиз икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда алоқаларни кенгайтириш, республикамизга сармоя ва янги технологиялар оқимини жалб этиш, бугунги Ўзбекистон ҳаёти билан ГФР жамоатчилигини кенгроқ таништириш мақсадида Германияда ватандошлар «Дўстлик» жамиятини тузиш гоёсини илгари сурдилар.

— Ўзбекистон халқини

Мустақиллик байрами билан табриклаيمان, — деди «Алекс» сайёҳлик компаниясининг раҳбари Алексей Чернявский. — Ўзбекистондаги шерикларимиз билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, у муваффақият билан ривожланмоқда. Германияда республикамизга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ватандошлар «Дўстлик» жамиятининг таъсис этилиши икки мамлакат маданиятини ўзаро бойитиш ва яқинлашувида жуда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Аслам АКБАРОВ,  
«Жаҳон» АА мухбири,  
Берлин.



## Ҳосил карбонлари

Шахрихондаги пахта тозалаш корхонаси шахар марказида жойлашган бўлиб, атроф-муҳит мусофариғига жиддий таъсир кўрсатар эди. Яқинда 125-механизациялашган жамланма бунёдкорлари корхонанинг янги биносини қуриб битказдилар. Айни кунларда барча қўлайликларга эга «Шахрихонпахта» ҳиссадорлик жамиятида жорий йил ҳосили карбонлари қабул қилинмоқда.

О. ШОДМАНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.


«Халқ сўзи» назоратида

## Терговчи қарори Бекор қилинди

«Узумини еб, боғини суриштирманг, ёшулли» («Халқ сўзи», 2004 йил 10 июнь) сарлавҳали мақолада Богот туманидаги «Дехқон-обод», «Хоразм» ширкат хўжаликлари ҳудудларида яшайдиган фуқароларнинг шахсий томирқаларида етиштирилган узумларини етиштирилган узумларнинг урганчилик О.Жуманиёзов республикамиздан ташқарида сотиб, сўнг пулини бермоқчи бўлгани, аммо ордан икки йил ўтган бўлсада, хануз қарзини тўламаётгани хусусида баён этилганди. Устига устак, сабр қосаси тўлган боғбонлар Богот тумани прокуратурасига мурожаат қилганларида терговчи О.Рўзметов урганчилик

О.Жуманиёзов ҳаракатларида фирибгарлик жинояти аломатлари бўлмаганидан жиноят иши қўзғатиш рад этилишини маълум қилган. Мазкур мақола юзасидан тахририятимизга келган расмий жавобда куйндагилар баён этилди: «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида биринчи алдас ёки ишончини суиистъмолик қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритиш — фирибгарлик жинояти эканлиги белгиланган. Шу боис аризагўйларнинг вилоят прокурори номига ёзган аризасига асосан, туман прокуратурасининг терговчиси О.Рўзметовнинг жино-

ят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори бекор қилинган. Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди жавобгар О.Жуманиёзовнинг сафарда бўлганлиги сабабли, жорий йилнинг 29 апрель куни унинг иштирокисиз, сирдан ўтказилган суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 224, 226-моддаларига асосан, унинг ишчи қўриб чиқиб, жавобгар О.Жуманиёзовдан шерик давлоғарлар С.Саидов ва 16 нафар фуқаро фойдасига жами 9.280.000 сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилган. Лекин вилоят



прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда суднинг ҳал қилув қарори қонуний мuddатда ижро қилиш учун юборилганлиги аниқланган, қонунбузилиш ҳолати бартараф этилди. Ҳозирги вақтда судлар департаментининг Урганч шахар бўлиними томонидан ижро иши қўзғатилиб, уни таъминлаш чоралари қўрилмоқда. Суд қарорининг ижроси вилоят прокуратураси томонидан назоратга олинди.

Хоразм вилоти  
прокурори  
Д.ИСРОЙЛОВ.

## Сеуллик шифокорлар — Бухорода

Жанубий корейлик шифокорлар Бухоро туманидаги Зарнамак қишлоғи аҳолисини тиббий текширувдан ўтказди. Вилоят стоматология поликлиникаси ва Сеул стоматология маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу текширувда аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилди. Хорижлик шифокорлар турли мавзуларда мазкур қишлоғида ва бегараз ёрдам сифатида вилоят шифохонасига замонавий тиш даволаш ускунаси топширилди.

«Туркистон-пресс».

## Шоир номидаги хиёбон

Наманганда ўн тўққизинчи асрнинг йирик намояндаларидан бири— Сулаймонхон тўра — Эшон Бобохон Нодим Намангоний таваллудининг 160 йиллигига атаб хиёбон барпо этилди. Ўз даврининг зиялиларидан бўлган шоирнинг лирик шеърлари, ўткир ҳажвий асарлари, саёхатнома, шунингдек, «Лайли ва Мажнун» дostonи ўзбек адабиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Миллий меъморий услубда қад ростлаган шоир мақбараси хиёбонга ўзгача салобат бахш этди.

Ўз мухбири.

## Халқаро анжуман

Пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро анжуман «Ногиронлик масаллари ва маълумотлар» мавзуга бағишланди. «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти учун ногиронлик масаллари бўйича ахборот манбалари тармоғи» лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу машваратда Ҳамдўстлик мамлакатлари, шунингдек, хорижий давлатлар мутахассислари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад имконияти чекланган кишиларнинг турмуш тарзини яхшилашда махсус ахборотлардан фойдаланишнинг аҳамиятини аниқлаш ва фаолият тури бўйича ногиронларнинг турли муаммолари билан шуғулланишда ташкилот ва мутахассисларнинг ишига қўмаклашишдан иборатдир.

Анжуманда Франциянинг «Handicap International», «Handicap Info, 38», Россиянинг «Перспектива», «Аспект», «Статус» сингари ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

— Шифокорлар кўриги борасизми ёки бирор соғломлаштириш муассасасигами, улар сизга бемор деб қарашади, — дейди пермлик С. Фирсов. — Бизга ногирон деб эмас, аввало, инсон деб қарашларига эришишимиз керак. Қолаверса, ногиронлар орасида ҳам салоҳиятли кишилар борлигини исботлашимиз зарур.


«Ўзбекистонда фуқаролик жамияти учун ногиронлик масаллари бўйича ахборот манбалари тармоғи» лойиҳаси Европа Иттифоқи комиссияси томонидан молиялаштирилмоқда.

М. ХОЛМАТОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.



Жаҳон матбуоти саҳифаларида

Корея нашрлари эътирофи



Дунёдаги ўнлаб нашрлар ўзларининг сентябрь сонида шу ойда истиқлолини нишонлаган ўзбекистонга бағишлаган кўплаб мақолалар эълон қилди. Жумладан, Корея Республикасида чиқадиган нуфузли "The Korea Post" журналининг сентябрь сони Президентимиз Исроом Каримовнинг кўп қиррали фаолиятига бағишланган мақола билан очилди. Мақолада И. Каримовнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, юксак ривожланган, демократик жамият куриш йўлидаги фаолияти ҳақида хикоя қилинади. Шунингдек, Исроом Каримов собиқ иттифок ҳудудидан биринчи бўлиб мамлакатни тўла мустақиллик олиб чиқиш учун президентлик институтини ташкил этган, уни ҳаётга татбиқ қилган раҳ-

бар сифатида унинг фаолиятига юқори баҳо берилади. Ўзбекистон Президенти мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётини назарий жиҳатдан исботлабгина қолмай, ўзининг амалий ишлари билан дунёнинг кўплаб сиёсатчилари, халқаро экспертлари янги давлат билан ҳисоблашига мажбур қилди, деб ёздаи журнал. Ўзбекистоннинг Кореядаги элчиси Виталий Фен журналда чоп этилган ўз мақоласида икки давлат ўртасидаги алоқалар кенг ривожланаётганини алоҳида қайд этади. Шунингдек, у томонларнинг сиёсий қарашлари ҳамоҳанг ва ўзаро мос эканлигини таъкидлайди.

Журналдаги мақолаларда Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати масалаларига ҳам катта ўрин берилган. Жумладан, икки палатали парламентга бўладиган сай-

ловларни демократия йўлидаги муҳим кадам, деб баҳолайди нашр. "Кореянинг "The Korea Times" газетаси ҳам ўзининг биринчи сентябрь сонини Ўзбекистонга бағишлаган. Унда берилган мақолаларда мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий соҳаларда эришган ютуқларидан ташқари, Корея бу юртининг энг йирик инвесторларидан бири эканлиги ҳам айтилади. Газетада таъкидла- нишича, 2004 йилга мўлжалланган Ўзбекистон давлат инвестиция дастуридан 4 миллиард АҚШ долларига тенг юздан кўпроқ лойиҳалар ўрин олган. Уларда мамлакат иқтисодиётининг барча жабҳалари қамраб олинган. Шунингдек, газетада Ўзбекистоннинг дунё- нинг 140 дан ортиқ мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатгани бу унинг жаҳондаги об- рўси йилдан-йилга ошиб бораётганидан дарак эканлиги таъкидланади.


Уруш асорати

Вьетнам марказидаги Куинён шаҳрида XIX асрда бўлиб ўтган урушдан қолиб кетган снаряд портлаб кетди. Полиция аъзоларининг сўзларига қараганда, 6 киши ҳалок бўлган, 4 нафар одам оғир жароҳат олган.

Курбон бўлганлар снаряд ичидаги порохни олиш мақсадида уни очмоқчи бўлишган ва у портлаб кетган. 1875 йилда уруш туга- гандан буён 38 мингдан зиёд вьетнамлик- лар шу тарзда оламдан кўз юмишди.

Японияда тўфонлар

Японияда «Сонгда» деб аталадиган тўфон- лар натижасида курбон бўлганлар сони 18 кишига етди, деб хабар беради «Киодо» ах- борот агентлиги. Яна 20 на- фар денгизчи бедарак йўқол- ган деб ҳисоб- ланмоқда. 600 нафардан ортиқ киши турли да- ражада жароҳат олган.



«Сонгда» Японияда жорий йил давомида юз бераётган еттинчи тўфондир. Об-ҳаво му- тахассисларининг хабар беришича, бу мам- лакатта яна бир «Сарика» номли тўфон яқин- лашиб келмоқда.

Сайлов таратқули

Афғонистонда президент сайловлари жа- рафни бошланганлиги расман эълон қилин- ди. Ушбу сиёсий тадбир 9 октябрда бўлиб

ўтади. Сиёсатшуносларнинг фикрига қара- ганда, ҳозирча мамлакат Ўтиш Исроом ҳуку- мати раиси Ҳамид Карзайнинг яққол усту- нлиги сезилиб турган бўлса-да, унинг олдида 17 нафар номзодни енгиш ва сайловчилар- нинг камида 51 фоиз овозини тўплаш вази- фаси турибди.

Афғонистондаги президентлик ва парла- мент сайловлари ўтган йили июнь ойда ўт- казилган лозим эди. Аммо у хавфсизлик нуқ- таи назаридан кечиктирилди. Қонун чиқар- увчи орган учун бўладиган сайловлар 2005 йил апрель ойига белгиланди.

Янги сайёралар топилди

Калифорния университети (АҚШ) олимла- ри Жоф Мэрси ва Беркелер Бултерлар оғир- лиги таҳминан Нептун сайёрасига тенг бўлган иккита янги сайёрани топдилар. Таркиби газ ва қаттиқ жисмлардан иборат бўлган бу сай- ёралар Кўёш тизимидан 30 ёруғлик йил узоқ- ликда жойлашган.

Ахлоқсизликка қарши кураш

Хитойда қабул қилинган янги қонунга кўра, энди интернет орқали тижорат мақсадлари- да ахлоқсиз материалларни тарқатган шах- с қаттиқ жазоланади – бу жазо ҳатто умрбод қамоқ жазо бўлиши ҳам мумкин. Ушбу қонунни қабул қилган Хитой Олий халқ суди вакилларининг айтишича, бу янги тартибдан мақсад алоқа тармоқлари ишини меъёрлаштиришдир.


Назорат

Кучайтирилди

Россияда юз берган террористик воқеа- лардан сўнг, темир йўлларда ҳам назорат кескин кучайтирилиши маълум қилинди. Те- мир йўл хизматида фаолият кўрсатаётган ҳарбийлар сони кўпайтирилади. Бундан буён йўловчи ташиш поездларининг кузатувчи- ларига турли жўнатмаларни олиш ҳам ман этилди.

Бош Вазир истеъфога чиқмоқчи

Дунё оммавий ахборот воситаларида Фа- ластин бош вазири Аҳмад Куранининг истеъ- фога чиқиши мумкинлиги ҳақида хабарлар тарқатилмоқда. Биринчи бўлиб ушбу хабар Лондонда чоп этиладиган «Ал-Шарқ ал-Ав- сат» газетасида пайдо бўлган. Маз- кур газетанинг ёзишича, Аҳмад Курани ва бошқа- рувда ислохотлар ўтказишни рад этаётган Фаластин мухторияти раҳба- ри Есир Арофат ўртасидаги торти- шувлар натижасида бош вазир истеъфога чиқишини маълум қилган. Бироқ бошқа манбаларнинг маълум қили- шида, Аҳмад Курани қароргоҳи расмийлари бу ахборотларнинг барчасини рад этган.



Арктика — жазирама ўлка

тупроқ наъмуналарини ўрганиб чиқишди. Мута- хассислар тадқиқотлар натижаларига асосланиб, Арктикада бундан 55 мил- лион илгари йиллик ўрта-

Натижада сувда ҳам, ҳаво- да ҳам углеводород ҳажми кўпайган. Тадқиқот- чилар айнан шу тўғрисида майда сув жониворлари нобуд бўлганлигини ай- тишмоқда.

Бундан ташқари, олим- лар ўша пайтда Шимолий муз океанининг бир қис- ми чўчүк сувдан иборат бўлган, деган таҳминни ҳам олға суришяпти.

Стокгольм университети профессори, экспеди- ция аъзоси Ян Бакман ва бошқа олимлар олинган маълумотлар ўша даврда юз берган воқеалар ҳамда Ернинг ривожланиш та- рихини тушунишда катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин, деган хулосани илгари сураётдилар.

Олимларнинг айтиши- ча, экспедицияни амалга оширишда оғир об-ҳаво шароити билан биргалик- да Арктикадаги оқ айқ- лар ҳам ҳалақат бериш- ди. Экспедиция катнашчи- лари Германиянинг Бре- мен университетида шу йилнинг ноябрь ойида бўладиган учрашувда олинган маълумотлари муҳокама қилишни режа- лаштиришяпти.

С. ДОНИЕРОВ.

ОЛАМ НАФАСИ
Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги кенг нишонланган шу кунларда халқаро олимий ва сиёсий доиралар вакиллари Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эришилган натижаларга ўз баҳоларини бермоқда. Хусусан, «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Вашингтонда АҚШнинг «Ташқи ил-

сифатида ўз чегаралари дахлсизлигини таъминлай олди. Бугун мамлакат сар- ҳадлари кучли химояга эга. Мамлакатта йирик ҳажмда- ги ҳоржий сармоалар ки- риб келди. Айни вақтда Ўзбекистон иқтисодиёти- нинг турли жабҳаларида ба- рқарор ўсиш кузатишмоқда. Утган давр мобайнида мам-

ҳақидаги фикрларинингизни билмоқчи эдик. Ўзбекистон терроризм нима эканлини фақат сўзда эмас, ҳаётий тажрибада яхши билади. Саволга лунда жавоб шуки, Ўзбеки- стон терроризм муаммосига ўз вақтида жиддий ёндаша билди ва бу борада изчил- лик билан зарур чора-тад-

англанган ҳолда мазкур му- аммога етарлича эътибор қаратмоғи лозим. Умуман, сўнги вақтлар- да бир ҳолларни кузатиш мумкинки, «Хизб-ут-таҳрир»- нинг тинчликсевар ҳаракат экани ҳақидаги иллюзиялар тобора камайиб бораёпти. Бу ҳаракат бир касалликка ўхшайди. Унга қарши зарур чора-тадбирларни қўриш керак.

Минтақа хавфсизли- гини таъминлашда Ўзе- бкистоннинг роли яна ни- маларда кўринади?

— Ўзбекистоннинг мин- тақа хавфсизлигини таъмин- лашга қаратилган саъй- ҳаракатлари наркотик мод- далар қонтрабандасига қар- ши курашда ҳам яққол кўзга ташланади.

Афғонистонда етиштири- лаётган ва ишлаб чиқари- лаётган наркотиклар нафа- қат Ўзбекистон ёки Марка- зий Осиё минтақаси, балки дунё мамлакатлари учун йи- рик муаммолардан биридир.

Ўзбекистон мазкур муам- монни бартараф этишда бош- қа мамлакатлар, барча те- гиши халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилаётганини алоҳида таъ- кидаб ўтиш жоиз.

Марказий Осиёда наркоти- клар муаммоси ҳақида га- пирганда, бир омилга эъти- бор қаратиш керак: «маҳсу- лот»нинг деярли юз фоизи Европа мамлакатларига ке- либ тушади. Яъни, маҳсу- лот учун истеъмол бозори бор. Шунинг учун Европа Иттифоқи мамлакатлари мазкур муаммонни бартараф этишда масаланинг айни шу жиҳатини инобатга олиб, Марказий Осиёда наркотиқ- ларга қарши курашга кўпроқ эътибор қаратиш, керак бўлса, зарур молиявий ёрдам кўрсатиш лозим, деб ўйлайман.

Фарқод АРЗИБ, «Жаҳон» АА.

Мисли кўрилмаган тошқинлар

Хитойда давом этаётган сурункали ёмғирлар оқибатида 161 нафардан зиёд киши ҳалок бўлди. Сичуан музофотида 60 нафарга яқин одам бедарак йўқолди.

Харбийлар, полиция- чилар ҳамда қўтарувчи- лар тошқин ва селлар юз берган ҳудудлардан одамларни хавфсиз жой-



Халқаро олимлар гу- руҳи бундан 55 милли- он йил аввал Арктика ернинг энг иссиқ ҳудуд- ларидан бири бўлганли- гини таъкидлашмоқда. Улар ўша даврда Аркти- када субтропик иқлим ҳукмрон бўлган, дейи- шяпти.

Арктика халқаро ил- мий экспедиция аъзола- ри (Arctic Coring Expedition) Шимолий муз океанида 400 метр чўқурликдан олинган

ча ҳарорат ҳозиргидек, Цельсий шкаласи бўйича 1,5 даража совуқ эмас, балки 20 даража иссиқ бўлган, деган фикрни билдиришди.

Экспедиция аъзолари Сибирдан Гренландияга- ча бўлган 1500 километр- лик чўзилган Ломоносов тоғ тизмасида тадқиқот- лар олиб боришган.

Олимлар Арктикада илиқ иқлим тўғрисида «пар- ник эффект» юзага кел- ганини таъкидлашаётир.

Фредерик СТАР: «Ўзбекистон жиддий қарашларга эга жиддий мамлакат»

мий муассасаларидан бири ҳисобланган Жон Холкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори, танки- ли олим Фредерик СТАР билан учрашди. Унинг бу борадаги фикрлари билан қизикдик.

— Жон Стар, шу кун- ларда Ўзбекистон халқи мамлакат мустақиллигининг ўн уч йиллигини кенг тантана қилмоқда. Албатта, бу тарих учун қисқа фурсат. Шунга қарамастан, амалга оширилган ишлар, эришил- ган натижаларга баҳо бе- риш имконияти мавжуд. Марказий Осиё бўйича йирик халқаро мутахас- сислардан бири сифати- да Ўзбекистоннинг ўн уч йиллик тараққиёт йўлига қандай баҳо берасиз?

— Хеч иккиланмасдан ай- тиш мумкинки, ўтган ўн уч йил давомида Ўзбекистон йирик ишларни амалга оширди. Бир қатор оми- ларни санаб ўтиш мумкин: Ўзбекистон мустақил давлат

лакат минтақда ва халқаро майдонда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Шу ўрин- да таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ялли тарақ- қиётига хизмат қилувчи йи- рик юзларининг ташаббуско- ридир. Фикримнинг исботи учун минтақа сиёсий ҳаёти- даги сўнги воқеалардан мисол келтирайман: шу йил- нинг май ойида Остонада (Козогистон) Марказий Осиё раҳбарларининг учра- шувиде Ўзбекистон Прези- денти Исроом Каримов Мар- казий Осиёда ягона бозор яратиш госясини илгари сур- ди. Бу бениҳоя ижобий ва муҳим кадамдир. Минтақа давлатлари, хорижий мам- лакатлар хусусан, АҚШ бу госяни амалиётга татбиқ этишга жиддий эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман.

— Терроризм муавзуси тилга олинган айни фурсат баҳона бу муаммо бо- расида Ўзбекистон томи- ндан амалга оширилаёт- ган саъй-ҳаракатлар

бирларни амалга ошириб келмоқда. Бу нафақат мам- лақат, балки минтақа хавф- сизлиги учун ҳам катта аҳамият касб этади. Хусу- сан, Ўзбекистон АҚШ учун мазкур муаммога қарши курашдаги ишончли ҳамкор- дир.

Яқинда Тошкентда амал- га оширилган террорчилик жиноятлари хусусида ҳам айрим фикрларни айтиб ўтсам.

Таъкидлаш керакки, бу- гунги дунёда ҳамма нараса бир-бири билан болганган. Тошкентдаги террорчилик ҳаракатларини амалга ошир- ган қўлар билан Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёдаги тер- рорчи ташкилотлар ўртаси- да боғлиқлик мавжудлиги ҳам бор та. Ташқаридан келаётган моддий ва госяни озуқа Марказий Осиёдаги террорчи гуруҳларни рағ- батлантирмоқда.

Фикримча, халқаро ҳам- жамият Марказий Осиё- ни хавфсизлигига дахл қилаёт- ган «Хизб-ут-таҳрир» ва шу каби қўлар таҳдидини яхши

Юксак баҳоланган технология

Ўзбекистон Республикаси Фарлар академиясининг Ядро физикаси институти ва «Радиопрепарат» корхонаси олимлари қисқа муддат ичида юқори сезувчанлик бўйича тест-тизимини ишлаб чиқиш технологиясини яратдилар. Бу технология мамлакатимизнинг йи- гирмадан ортиқ йирик тиббий муассасаларида «В» ва «С» гепатитларини аниқлашда кенг қўлланилиб юқори ба- ҳоланмоқда.

Тест-тизим яқинда қон хавфсизлиги бўйича Халқаро Консорциум (International Consortium for Blijd Safety, ICBS) доирасида Германиянинг Паул Эрлих институти (Paul-Erlich-Institut) билан ҳамкорликда ўтказилган сино- ва ҳам юқори кўрсаткича эришиб, юксак баҳоланди. Бу эса импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, валютани тежаш ва маҳаллий хомаш- лардан самарали фойдаланган ҳолда

яни ва юқори технологияларни жорий этиш имконини берапти. Дунёнинг турли мамлакатларидан иштирок этган 37 та ишлаб чиқарувчи орасида сезувчанлиги 99 фоиз, аниқ- лаш хусусияти эса 100 фоиз бўлган Ўзбекистоннинг «Рекомбинант-анти- ВГС-стрип» иммунофермент тест-тизи- ми сифати бўйича энг ишончли таш- хис гуруҳига киритилди. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон олимларининг жаҳон тиббиёти равақига қўшган му- носиб ҳиссасидир.

Нуриддин ОЧИЛОВ.

Энди қочиб бўлмасиз...

Дунёда содир бўлаётган жиноятчи- ликлар ҳар бир давлатни хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор бе- ришга ундамоқда. Дав- лат хавфсизлигини таъ- минлаш йўлида мамла- катлар ўз ҳазинасидан кўплаб маблағлар ахри- тиб, бу ишга энг мала- кали мутахассисларни жалб этмоқда.

Энди жиноятчиларни сунъий йўлдош орқали кузатишда, Европада илк бор бу амалиётни Британия қўллайдиган бўлди. Қамоқ жазосини ўташи керак бўлган, бироқ гаровга чи- қариб юборилган жиноятчилар қўли- га электрон мосламалар тақилади ва уларни сунъий йўлдош орқали куза-

Нужен Веб-сайт?

Мы предлагаем вам:
✓ дизайн и разработку веб-сайта/Интернет-проекта;
✓ бесплатный Интернет-адрес (домен) www.имя-вашей-организации.com;
✓ бесплатное размещение (хостинг) в Интернет;
✓ бесплатную консультацию и индивидуальный подход к каждому клиенту.
За подробной информацией обращайтесь: WEB STUDIO UZBEGIM
Телефон 176-38-89. Веб сайт: www.uzbegim.net E-mail: info@uzbegim.com

Халқ Банки — Сизнинг Оилангиз Банки!

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2004 йил 29 августдаги 1422-сонли иши ажримига асосан, «Эйвалекмаҳсулестербетон» ОАЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб Қўшсов Улугбек тайинланган. Шу муносабат билан «Эйвалекмаҳсулестербетон» ОАЖ биносида 2004 йил 13 сентябрь соат 11.00 да кредиторлар йиғилиши ўтказилди. Барча кредиторлар ваколатномалари билан келишмовчи ишлар Манзил: Тошкент вилояти, Охдигарон тумани, Эйвалек кишлоғи.

Setco 112-53-53, 112-54-54, 112-55-55, 134-50-40. СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ДИРЕКТОРСКАЯ МИНИ-АТС SETEX ST - D4440. Оперативная связь "директор - секретарь". Ведение разговора без поднятия трубки. Конференция до 40 участников. Вызов одного или группы абонентов нажатием одной кнопки. Конфигурация: 2 директорских пульта, 4 городских линии, 8, 24 или 40 внутренних абонентов. АППАРАТУРА ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ. Монтаж "под ключ", Сервисное обслуживание, Техническое сопровождение, Гарантия 1 год. ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН, УСЛУГИ ЛИЦЕНЗИРОВАННЫ

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ. Улгуржи нархлар. Хар доим Тошкентдаги омбордан. Телефон 134-48-11. Товар сертифицирован

Товар сертифицирован. Тошкент Иодгул минерал суви IODIS. Иод ионлари билан бойитилган, сув истеъмол қилинганда организмда йод танқислиги сабабли келиб чиқиши мумкин бўлган бўқоқ, қалқонсимон без касалликлари, авлбар ва эркаклар бепуштиги каби хасталикларнинг олдини олиб, болаларнинг ақлий ривожланишини ва организмда модда алмасинувини яхшилашга ёрдам беради. Тел.: 67-31-95.

Халқ Банки — Сизнинг Оилангиз Банки! Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2004 йил 29 августдаги 1422-сонли иши ажримига асосан, «Эйвалекмаҳсулестербетон» ОАЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб Қўшсов Улугбек тайинланган. Шу муносабат билан «Эйвалекмаҳсулестербетон» ОАЖ биносида 2004 йил 13 сентябрь соат 11.00 да кредиторлар йиғилиши ўтказилди. Барча кредиторлар ваколатномалари билан келишмовчи ишлар Манзил: Тошкент вилояти, Охдигарон тумани, Эйвалек кишлоғи.

Теннис: Осие чемпионати

# Бошланиши чакки эмас

Пойтахтимиздаги теннис марказида Осие биринчилиги учун қитъамизнинг 20 мамлакатидан келган теннисчилар ўртасида кечаётган бахслар қизгин паллага кирди. Ушбу чемпионатни юзга яқин маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари ёришмоқда.

Биринчи давра ўйинларида ҳиндистонлик Саня Мирза вьетнамлик Хюнг Хюнга, қозғистонлик Алексей Кедрюк корейлик Хи-Сёк Чанга қарши ўйнади. Ҳамюртимиз Иванна Исроилова эса Ҳиндистон ва-

қанинг илк даврасини муваффақиятли бошлаганидан мамнунман, — деди ҳамюртимиз Иванна Исроилова танаффус чоғида. — Бу эса мен учун нихоятда муҳим эди, чунки анчадан бери бундай нуфузли турнирларда қатнашмагандим. Бугун мени яқинларим, қариндошларим қўллаб-қувватлаб туришди. Сени қимдир олқишлаб туриши эса куч бағишлайди. Мақсадим, ушбу турнирда юқори ўринларни эгаллаш ва келгусидаги нуфузли бахсларда ўзимни кўрсатишдир.

Биз ҳамюртимизга омад тилаб, меҳмон теннисчилар билан суҳбатга ошиқамиз. Улар ўз ўрнида тенниснинг қоида-қонунлари ҳақида гапириб, Ўзбекистонда ушбу спорт турининг ривожланиб бораётганини мана шундай бахслар учинчи марта бу ерда ўтказилаётгани билан изоҳлашди.

— Спортнинг бу тури ҳам машаққатли, ҳам завқли, — дейди Ҳиндистондан келган ракетка устаси Саня Мирза. — Футбол жамоавий ўйин, унда бир-бирига ёрдам бериб, галабага эришиш имкони бор. Аммо тен-

ниснинг машаққати шундаки, унда бир ўзинг ўйнасан, рақибинг ҳам узоқда, боз устига, теннис тўпи ҳам кичик. Ўйин пайтида бутун диққат-эътиборни рақиб ҳаракатига қаратмасангиз, унда тўпнинг йўналишини йўқотасиз — бу мағлубият дегани.

Энди ўзим ҳақида сўрасангиз, мен биринчи даврада вьетнамлик теннисчи устидан 6/0, 6/0 ҳисобида йирик муваффақиятга эришдим. Бу галабага эришим қийин бўлмади. Одатда рақиб таниш бўлса, бахс қийин кечмайди. Мен бугун ушбу теннисчи билан илк бор тўқнаш келдим. Унинг устидан дастлабки даврада галаба қилиш мен учун ёқимлидир. Кейинги рақибим — ўзбек теннисчиси. Унга қарши майдонга тушиш менга анча қийинчилик олиб келиши таяин. Ўз ўйинида деворлар ҳам қўлайди, деган гап эса берорға айтилмаган...

Айни пайтда Тошкент теннис марказида юзлаб теннис ишқибозлари ўйинларни кузатишмоқда. Улар орасида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ўзбек спорт шайдоларини учратасиз. Ўйлаймики, уларнинг олқишлари юртимиз теннисчиларининг муваффақиятларига омил бўлади.

Мақсуд МИРЗО.  
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



— Фирон ким, гардиши даврон, аюрди шах суворимдин...


Мамуржон Узоқов хотирасига бағишланган хайрия тadbирига йирилганлар Янгиқўрғон туманидаги фольклор ҳақ дастаси хонандаси Солижон Умрзоқов ижросидаги «Қора кўзим» кўшигини эшитиб, беихтиёр оҳангга мос тарзда тебрана бошладилар.

— Раҳмат, ҳофиз! Умрингиздан барака топинг!

Фарғона водийсида ҳофиз деб ном олган Солижон ҳар томондан эшитилаётган хитоблар, мақтову тилақлардан бироз хижолат тортади.

— Баҳоли кудрат устоз анъаналарини давом эттириб, элга хизмат қилдингиз, — дейди Солижон. — Хизматимиз элга манзур бўлаётган бўлса, бундан миннатдоримиз.

СУРАТДА: Солижон Умрзоқов.  
Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.



кили Рушми Чакраварти билан беллашиб, 6/3, 6/2 ҳисобида галабага эришди. Шунингдек, Рьока Фуда (Япония) ва Вилаван Чоптанг (Таиланд) ўртасидаги бахс 6/4, 6/4 ҳисобида япониялик теннисчи фойдасига ҳал бўлди.

— Ушбу нуфузли мусоба-

**Liebert HIROSS**

Компаниясининг узлуксиз электр таъминоти манбалари

**Liebert-HIROSS**

Компаниясининг узлуксиз электр таъминоти манбалари

**EMERSON**

Network Power

Муҳим ахборотларнинг тез-тез йўқолиб кетишига (айрим маълумотлар бўйича 45 фоиз) электр таъминотида содир бўладиган ўчиришлар сабаб бўлади. Тўлиқ ва вақтинчалик электр таъминоти ўчиб қолишининг олдини олиш усулларидан бири — узлуксиз электр таъминоти манбаларини ўрнатишдир. Узлуксиз электр таъминоти манбалари фақат электр қуввати билан таъминлабгина қолмай, балки халалликларни филтрдан ўтказиш ва кириш кучланишининг бирдек ўзгармай туриши вазифасини бажаради. Охириги пайтда узлуксиз электр таъминоти манбалари ва дизель-генераторларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Мазкур манбалар ахборот тизимларининг барча таркибий қисмларига ишончли электр қувватини етказиб беришда ўз тасдиғини топмоқда.

1975 йилдан бошлаб «Liebert» компанияси Россия ҳарбий санъат мажмуасига катта қувватга эга бўлган профессионал узлуксиз электр таъминоти манбалари тизимини етказиб бermoқда.

«Liebert» компанияси 5 йил аввал Россия бозорига ўзининг кичик ва ўрта қувватли узлуксиз электр таъминоти манбалари билан кириб келиб, донг таратди. «Liebert» компаниясининг узлуксиз электр таъминоти манбаларидан фойдаланган ҳолда станциялар, серверларнинг электр таъминотини химоялаш тизимлари билан бир қаторда, бугун бир бош биналарнинг марказлашган химоялаш тизимлари ташкил этилди.

«Liebert» компанияси ўрта ва катта қувватли узлуксиз электр таъминоти манбалари ўзининг юқори даражадаги ишончилиги, баҳоси ва сифатининг яхши мутаносиблиги, кучланиши қайта ўзгартириш тоза On-Line технологияси (юқори частота бўйича кучланиши қўш қайта ўзгартириш, кириш ва чиқиш ўртасидаги тўлиқ гальваник өчим, кириш кучланишларининг кенг диапозони, паст чиқиш қаршилиги, доимий ишловчи инвертор ва шу боис батареяга кўчиришга ва ундан чиқаришга вақт кетмаслиги) микропроцессорли бошқарув («Liebert» компанияси илк бор қўллаган) ва BYPASS вазифаларининг мавжудлиги (кучланишининг чиқиш бўйича узлуксиз электр таъминоти манбаларига сезиларли ортқича юкланган ҳолда кириш тармоғида тўғридан-тўғри таъминланиши, юкланиши ўчирмаган ҳолда узлуксиз электр таъминоти профилактикасини ўтказиш) туфайли жаҳонда донг қозонди.

«Liebert» компанияси куйидаги сериялардаги узлуксиз электр таъминоти манбаларини ишлаб чиқаради:

- резерв узлуксиз электр таъминоти манбалари (қуввати — 320-1250VA), PS серияли (станциялар ва шахсий компьютерлари химоялашда қўлланилади, кириш кучланиши — 180-270Vac);
- интерактив узлуксиз электр таъминоти манбалари (қуввати — 700-2200VA), PSI серияли (битта ёки бир неча станциялар, серверларни химоялашда қўлланилади, чиқиш синусоид кучланишида ускуналарни автоматик равишда тўғриланишига эга, кириш кучланиши — 166-272Vac);
- «хамма вақт ишлаб турадиган» узлуксиз электр таъминоти манбалари (ON-Line UPS), UPStation GXT серияли (қуввати — 700-10000VA ), AP400, Hinet (қуввати — 10-30kVA).

**Бу эътиборга молик**

«Liebert-HIROSS» фирмаси махсулотлари сифатлиги билан жаҳонда донг таратган бўлиб, Европа сифат стандарти — ISO 9000 талабларига жавоб беради. Махсулот Россия мувофиқлик сертификатига, Россия телекоммуникация бозорига Давлат ёлқа назорати тизими сертификатига, «Liebert» ускуналарининг аэродром мажмуалари ва авиация заводларида фойдаланиш бўйича МАК комиссияси сертификатига эга. «Liebert» фирмасининг узлуксиз электр таъминоти манбалари 2000 йилда «Frost&Sullivan» компанияси экспертлари томонидан энг ишончли ва сифатли деб эътироф этилган.

**Liebert HIROSS**

**Vinlad**

Хастимизни осийишта қиламиз!

**EMERSON**

Network Power

**ЭЛЕКТРИН УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАБ БЕРИШ МАНБАЛАРИ**

**Етакчи Америка компаниясидан 450 ВА дан 800 кВА гача бўлган**

## UPS

Манзил: Тошкент ш., «Қушбеги» к., 18-уй. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13. Тел./факс: (998 71) 120-66-01. e-mail: vinlad@sarkor.uz; vinlad@vinlad.com www.vinlad.com

D-AMPS GSM

**UZDUNROBITA**

first cellular

250 000

дан ЗИЁД

АБОНЕНТЛАР ТАНЛОВИ!

1%

Ўзбекистон аҳолисининг «Уздунробита» хизматларидан фойдаланмоқда

**Доимий тараққиётга қўшилининг!**

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензиялаштирилган

**Новосибирскда Ўзбекистон кунлари**

Бугун Россиянинг йирик шаҳарларидан бири — Новосибирскда Ўзбекистон кунлари бошланади. Шаҳардаги Чехов номли кутубхонада бўлиб ўтадиган тантанادا Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси вакиллари, маҳаллий, миллий марказларнинг раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда. Ўзбекистон кунлари доирасида «Ўзбекистоннинг ўтмиши, бугуни ва келажиги» сингари бир қатор мавзуларда тadbирлар ўтказилади. Шунингдек, тadbир иштирокчилари Ўзбекистон тарихи, иқтисодийети, адабиёт ва санъатига бағишланган кўргазмани ҳам томоша қилиш имкониятига эга бўладилар.

**Тошбулоқнинг обод бозори**

Наманган тумани маркази — Тошбулоқда 240 та савдо шохчасига эга бўлган деҳқон бозори очилди. Шухратжон Бозоров бош бўлган жамоа бунёдкорлари қуриб битказган ушбу мажмуа деҳқонларнинг мушкулини осон қилди, —деб ёздади «Туркистон-пресс» муҳбири. —Мажмуа қурилишида тандадаги барча корхоналар ва ширкат хўжаликлари фаол иштирок этди».

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «NORSU OTEL» ҚҚ тугатилмоқда. (ОКПО 09040241). Барча эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 133-83-28, 136-78-29.

**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

**«ЎЗДАВАРХИТЕКТУРИЛИШ» ҚЎМИТАСИНING ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

**танлов савдолари ўтказилишининг эълон қилини**

1. Ангор туманининг «Таллимарон» ширкат хўжалигида 600/50 ўринли касб-хунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.  
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 334 кун.
2. Бандихон туманининг «Пахтакор» ширкат хўжалигида 450/50 ўринли касб-хунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.  
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 334 кун.
3. Бойсун туманининг «Работ» ширкат хўжалигида 750/50 ўринли касб-хунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.  
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 365 кун.
4. Музработ туманининг Халқобод кўрғонида 300/50 ўринли касб-хунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.  
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 365 кун.
5. Жарқўрғон туманининг Мингчинор кўрғонида 600/50 ўринли касб-хунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.  
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 334 кун.
6. Қизирик туманининг «Гиламбоб» ширкат хўжалигида 450/50 ўринли касб-хунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.  
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 304 кун.
7. Шўрчи туманининг Тула қишлоғида 450/50 ўринли касб-хунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.  
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 334 кун.

Барча иштирокчиларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Буюртмачи — Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг» компанияси. Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 2-49-71, 2-49-80, 2-49-77, факс: 2-49-75.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланама маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лавҳат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектурелиш» қўмитасининг Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, М.Қаҳқор кўчаси, 14-уй. Тел./факс: (8-37622) 2-75-01 ф., 2-75-04.

**Бир тўпладан танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни очиб кўриш ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоғ этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, А. Бакуменко кўчаси, 5-уй.

«Хоразм шакар» очик акциядорлик жамияти жамоаси Ўзбекистон Республикаси «Озиқовқатсаноат» уюшмаси раиси Б. Холмухаммедовга волидаи муҳтарамаси **ВАЗИРАХОН** янинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент юридик коллежи жамоаси «Ижтимоий фанлар» кафедраси ўқитувчиси Аҳмад Ибрагимовга акиси Аҳмад **ИБРАГИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳзор қилади.

**Халқ сўзи**

**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳаммадиев, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма 1 — 96, 22129 нуқсадга босилди, ҳақи — 2 сўм, Обедет усундида босилган.  
Котоғ бичими А-2  
Газета ИВМ компьютеризация тизимида ва операторлар Жамил Топаев ва Бақдур Файезов томонидан саҳифаланди.  
Таҳририятда ҳақи 5 қоронда эълон материаллар қабул қилинмайди.  
(П)Тижорат матбааси

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 21.10 2 3 4 5 6